

БАА да миллий Қуръон мусобақасининг якуний босқичи давом этмоқда



11:40 / 28.01.2019 2795

Ушбу мусобақада Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари ва бу мамлакатда истиқомат қилаётган мусофирлар ҳам иштрок этмоқда, деб хабар беради sharjah24.ae ахборот сайти.

22-БАА Шаржа Қуръон ва суннат мукофоти учун бошланган мусобақанинг охирги босқичи Аллия шаҳридаги Шаржа Қуръон ва суннат институтида эркак ва аёллар ўртасида ташкил этилган. Мусобақа қатнашувчиларининг умумий сони 1305 та бўлиб, улар ёшларига қараб турли гуруҳларга бўлинган ва Қуръон ҳамда суннат тақсимоти бўйича икки йўналишда рақобатлашмоқдалар.

Мусобақада 10 та категория ҳифзга, 5 та категория ҳадисга ва 4 та категория ногиронларга ажратилган.

islom.uz